

**ТЕХНИКАЛАР МАРКЕТИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Мансур Холмурзаев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, и.ф.н., доцент,

Аннотация. Мақолада аграр соҳа корхоналарини янги техника ва қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлашда маркетинг фаолиятининг ҳозирги ҳолати, янги техникаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва самарадорликни ҳисоблаш методларини такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар. Маркетинг, холдинг, янги техникалар, молиявий манбалар, рақобат, баҳо, тадбиркор, улгуржи ва чакана савдо, маркетинг, рентабеллик, биржалар, аукционлар.

1. КИРИШ

Аграр соҳа комплексининг муҳим таркибий қисмидан бири ҳисобланган аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил этиш ва ошириш иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий таҳлилдан тўғри хулосалар чиқариш учун аввало, самарадорликка таъсир этувчи омиллар гуруҳларга ажратилади. Булар қуйидаги омилларга бўлинади: а) ишлаб чиқариш омиллари; б) бозор муносабатлари омиллари. Ишлаб чиқариш омилларига асосий воситалар яъни, ер ресурслари, сув ресурслари, меҳнат ресурслари, айланма маблағлар ва бошқа омиллар киради. Бозор муносабатлари омилларига бозор конъюктурасининг ҳолати, истиқболи, унинг динамикаси, рақобат шароитлари ва кўлами кабилар киради. Бошқача қилиб айтганда, бозор омиллари — маҳсулотнинг сифати, баҳоси, унга бўлган талаб ва таклиф, рақобатдаги маҳсулотлар миқдори, рақобатчиларнинг бозор сиёсати кабиларни ўз ичига олади.

Мамлакат тараққиётининг рақамли иқтисодиёт муносабатлари шароитида бозорни ўрганиш, маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш, ўз маҳсулоти баҳосини эркин белгилаш, маҳсулот рақобатбордошлигини ошириш кабилар маркетинг тушунчаси ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг

асосини ташкил этади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб аграр соҳага, жумладан фермерларга техникалар маркетингини яхши йўлга қўйиш бугунги кунда энг долзарб соҳалардан бири бўлиб қолмоқда.

2. АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Аграр соҳада, хусусан пахтачилик тармоғида техникалар маркетинги ва унинг самарадорлигини ошириш борасида бажарилган докторлик диссертациялари қаторида Д.Қ.Ахмедовнинг “Эффективность функционирования хлопководства Узбекистана” мавзусидаги тадқиқот иши, Ф.Назарованинг “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги диссертация иши, У.Нигматжоновнинг “Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистана в переходный период к рыночной экономике” мавзусидаги иши, Э.Юсуповнинг “Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутоносибликни шакллантириш муаммолари” мавзусидаги иши, Н.Хушматовнинг “Ўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари” мавзусидаги иши, О.Муртазаевнинг “Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари” мавзусидаги ишини ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. А.Қ.Ахмедовнинг докторлик диссертацияси соҳа муаммоларига бағишланган бўлсада, назарий соҳага кўпроқ эътибор қаратилган, тадқиқотни мақсади ва вазифалари шунга мувофиқ белгиланган.

Ф.Назарованинг докторлик тадқиқот ишида асосий эътибор агросаноат мажмуига, биринчи навбатда аграр соҳага эътибор берилган. Ишда пахтачилик самарадорлиги, маркетинги унда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш масалалари ҳам бир мунча ёритилган, аммо алоҳида муаммо сифатида кўриб чиқилмаган.

У. Нигматжоновнинг докторлик тадқиқот ишида асосий эътибор агросаноат мажмуига, биринчи навбатда, аграр соҳага эътибор берилган. Маркетинг самарадорлиги масаласи алоҳида кўриб чиқилган эмас.

Э.Юсуповнинг докторлик диссертацияси Ўзбекистоннинг пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва Н.Хушматовнинг докторлик диссертацияси ҳам ўза навларини самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларига бағишланган, О.Муртазаевнинг докторлик ишида агросаноат мажмуаси, жумладан асосий воситалар самарадорлиги комплекс тарзда ўрганилган.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маркетинг деганда товарни бозорда сотиш билан боғлиқ бўлган фаолият тушинилади. Хусусан, маркетинг товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги хизматни, товарни етиштириш ва сотиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган бошқаришни ўз ичига олган тадбиркорлик фаолиятидир. Шунингдек, кенгироқ манънода қаралганда, маркетинг баҳолар тизими, маҳсулотларни сақлаш, жойлаштириш, савдо марказларини яратиш, маҳсулотни сотиш, савдо ходимларини бошқариш, кредит бериш, маҳсулотни ташиш, ижтимоий талабларни бажариш, савдо шаҳобчалари очиш учун жой танлаш, истеъмолчиларни ўрганиш, улгуржи, чакана савдони ва кўргазмаларни ташкил этиш, жамият билан муносабатларни яхшилаш, бозор тадқиқотларини олиб бориш, товарларнинг сифатига кафолат бериш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

Бозор рақобати шароитида аграр соҳа ишлаб чиқаришининг юқори рентабелли ишлашини таъминлаш учун энг аввало замонавий ва юқори унумга эга бўлган техникалар билан қуролланиши катта аҳамият касб этади. Ушбуларни этиборга олган ҳолда мақолани тайёрлашда республикаимиз қишлоқ хўжалиги соҳсини техникалар билан таъминлашда маркетинг ҳозирги ҳолати тадқиқот материаллари бўлди ва бу тадқиқот жараёнида ёппасига кузатиш, жадваллар, динамик қаторлар ҳамда айрим объект маълумотларидан фойдаланиш (монографик кузатиш) методлари қўлланилди.

Жумладан, турли хил русумдаги янги турдош қишлоқ хўжалик машина ва тракторларининг қайси бирининг иқтисодий самарадорлиги юқори эканлигини таҳлил қилиш учун функционал-қиймат таҳлили (ФКТ) усулини қўллаш қулай усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. ФКТ- бу техниканинг истеъмолчи учун аҳамиятлилиги ва уни яратиш муаммолари ўртасидаги оптимал нисбатида, унинг фойдали функцияларини ривожлантириш мақсадида техникаларни комплекс техник иқтисодий тадқиқот қилиш ҳисобланади. ФКТ объекти бўлиб, техникаларнинг умумий истеъмол хусусиятлари ҳам, ҳамда унинг айрим қисмлари хусусиятлари ҳам бўлиши мумкин. ФКТнинг мақсади - ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, бажариладиган ишнинг сифати ва унумдорлигини оширишдир.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Аграр соҳа бозорининг бир қисми моддий-техника ресурслари бозори

ҳисобланади ва аграр соҳа бозори уни тартибга солиб туради. Чунки, айнан шу аграр соҳа бозорида агросаноат мажмуининг пировард мақсадлари амалга оширилади. Моддий-техника ресурслари бозори гарчи мустақил фаолият юритса-да, лекин, у аграр бозорнинг бошқа соҳаларига хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, моддий-техника ресурслари бозори қишлоқ хўжалагида арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қўлай шарт- шароит яратиб беради.

Моддий-техника ресурслари бозорининг шаклланишида қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим: ишлов бериладиган қишлоқ хўжалик экин майдонига боғлиқ ҳолда турли ресурсларга бўлган талаб, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркиби, қишлоқ хўжалиги экинлари таркиби, экинлар ҳосилдорлиги, қишлоқ хўжалигининг ихтисослашганлик даражаси, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ва бошқалар.

Моддий-техника ресурслари бозоридаги рақобатни ривожлантиришни таъминлаш учун биржалар, аукционлар ва бошқа савдо тизими корхоналари бозор муносабатлари талаблари асосида фаолият юритиши лозим. Моддий-техника ресурслари бозорини ташкил этишда мамлакатимиз ичидаги ишлаб чиқарувчи субъектлар манфаатини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Талаб ва таклифдаги мувозанатни сақлашда ва бозор муносабатларини иқтисодий дастаклар орқали мувофиқлаштиришда ушбу омилни ҳисобга олиш лозим. Чунки, республикамиздаги мавжуд айрим машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар истемолчилар талабига жавоб бермай қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, аграр соҳа товарлари билан янги техникалар ўртасидаги нархларнинг номуттаносиблиги ва харидорлар молиявий ҳолатининг пастлиги бўлса, иккинчидан, айрим маҳсулот турларининг сифати талаб даражасида эмаслигидир. Бундан ташқари, сотилган техника воситаларига ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширилмаслиги, заводларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермаяпти.

Моддий-техника ресурслари бозорини ташкил этишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳар бир ҳудудда ресурс турларига бўлган талабнинг ҳажми;
- рақобатчиларнинг заиф ва кучли жиҳатлари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусиятлари;
- ресурс сифати ва турлари бўйича нархлари;
- тахминий сотилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажми, олинadиган фойда

ва солиқлар ҳажми;

- бозорда нечоғлиқ мавқега (улушга) эгалик қилиш мумкинлиги.

Таъкидлаш жойизки, ушбу йўналишларда олиб борилган таҳлил натижаларидан сўнг бозор институтлари билан муносабатларни белгилаб олиш, яъни банк, суғурта ва солиқ муассасалари, воситачилар ҳамда давлатнинг бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил қилиш мумкин бўлади.

Бозор муносабатларида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш жараёнини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иқтисодий қийинчиликларни енгишида катта ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

бевосита қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш. Бунга қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар, субсидиялар, лизинглар бериш ва бошқалар киради;

қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника ресурслари ишлаб чиқарувчиларни ва етказиб берувчиларни қўллаб-қувватлаш. Бунга қишлоқ хўжалиги учун техника ва бошқа ресурс ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхона, ташкилот ва фирмаларга турли имтиёзлар (солиқ, имтиёзли кредит, дотация) бериш, улар орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш киради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги мамлакат иқтисодиётида салоҳиятли ўринни эгаллаб турган тармоқ ҳисобланади. Ўзининг юқори малакали муҳандис-техник ходимлари, мутахассислари, олимлари ва ишчиларига йирик ишлаб-чиқариш ва илмий-тадқиқотлар базасига эга нуфузли тармоқ айниқса мустақилликдан кейинги йилларда анча ривожланди.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилиги машинасозлиги заводлари негизида "Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси ташкил топди. Бу компанияни тузишдан мақсад марказлашган бошқарув тизимини яратиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг шу соҳада тутган ўрнини қўлдан бермаслик, деҳқонларни зарур техника билан таъминлаш учун тармоқни ривожлантириш ва бундай техникани хориждан мумкин қадар камроқ келтиришга эришишдир. Шу билан бирга республикамизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникасининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, уни экспорт қилишга эришишдир.

Компанияда ҳозирги пайтда ўттизга яқин лойиҳадан ташкил топган ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга қаратилган дастур бўйича иш олиб борилмоқда. Дастурда компания корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни саноатнинг бошқа тармоқлари учун ҳам ишлаб чиқариш, яъни бозорга йўналтириш режалаштирилган. Умуман олганда, «Ўзқишлоқмашхолдинг» конструкторлари томонидан 60 номдаги машиналар модернизация қилинди. Холдинг корхонаси бугунги кунда буюртма асосида 40 дан ортиқ машиналар агрегатланадиган 100 дан зиёд техникаларни ишлаб чиқармоқда.

Бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника ресурслари, хусусан, техника воситалари ва бошқа ресурслар билан таъминлашни ва улардан фойдаланишни ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда кўпгина пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлар техника ва материалларни сотиб олиш имкониятига эга эмас. Чунки, кейинги 20-30 йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва техникалар баҳоси ўртасидаги фарқ кескин ошиб кетган, кўпчилик фермерларда катта миқдордаги эркин пул маблағлари мавжуд эмас. Шу билан биргаликда, уларга берилаётган имтиёзли кредит маблағларини биржа савдоларига йўналтириш тақиқланган. Натижада хўжаликлар ўзлари учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларни вақтида ва керакли миқдорда олиш имкониятига эга бўлмаяптилар. Бу агротехника тадбирининг кечикиб кетишига ва охир оқибатда олинадиган ҳосилнинг кам бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш учун фермер хўжаликларига моддий-техника ресурсларни эркин сотиб олиш учун ўрта муддатли имтиёзли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ. Кредит бериш тижорат банк томонидан фермер хўжалигига йилнинг бошида кредит линияси очиб қўйиш орқали амалга оширилиши лозим.

Фермер хўжалиги ўзига очилган кредит тизими бўйича хоҳлаган вақтда кредит олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, фермер хўжалигига бериладиган кредитга олинадиган ҳосил гаров сифатида қабул қилиниши, кредит миқдори ҳосил қийматининг 60-70 фоизи миқдорида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда жами ажратилган кредит учун 2-3 фоиз, унинг фойдаланилган қисми учун эса 7-8 фоиз йиллик фойда олиш механизмини йўлга қўйиш зарур. Ана шунда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техника ресурслар сотиб олиш учун маблағ

тақчиллиги муаммоси ижобий ҳал қилинади. Умуман, барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини гаровга қўйиб кредит бериш механизмини жорий қилиш ишлаб чиқарувчиларга моддий-техника ресурслари сотиб олиш шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Энди аграр соҳага кириб келаётган янги, замонавий русмлардаги техникаларнинг самарадорлиги тўғрисида тўхталамиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бу борада қўлланиладиган моддий-техника ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Моддий техника ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишда мунтазам мониторинг ўтказиш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этиб бориш зарур. Бундай иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқариш жараёнининг якунида олинadиган фойда кўрсаткичи билан, меҳнат унумдорлигининг ўзгариш кўрсаткичи билан таққослаш орқали аниқланади.

Моддий техника ресурсларнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи ишлаб чиқаришга кетган харажатларни қоплаш даражасини билдирса, нисбий самарадорлик кўрсаткичи корхонада фойдаланаётган моддий техника ресурсларни янги сотиб олинаётган моддий техника ресурсларга ёки бир деҳқончилик операциясини икки хил русумдаги техникалар билан бажаришда қай бир русумдаги техника самаралидорлиги юқори эканлигини аниқлашда қўлланилади. Умумий самарадолик келгусидаги ишларни режалаштириш учун муҳим бўлса, нисбий самарадорлик мавжуд вариантларнинг энг мақбулини танлаш учун зарурдир. Умумий самарадорлик жами сарфланган инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини билдирса, нисбий самарадорлик қўшимча сарфланган инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади.

×Функционал-қиймат таҳлили (ФКТ) усбуби бўйича янги русмдаги техниканинг афзалликлари амалда қўлланилаётган техника русмига нисбатан қуйидагича ҳисобланади:

$$H = H_1 \times H_2 \times H_3 \times H_4$$

бу ерда: H - такомиллашганлик даражасининг умумий коэффиценти;

H_1 - ўлчовлар бўйича такомиллашганлик даражаси, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$N_1 = \left[\left(\frac{R_1}{R_0} - 1 \right) + \left(\frac{G_1}{G_0} - 1 \right) + \left(\frac{E_1}{E_0} - 1 \right) \right]$$

H_2 - унумдорлик бўйича такомиллашганлик даражаси:

$$N_2 = \left[\left(\frac{V_1}{V_0} - 1 \right) + \left(\frac{W_1}{W_0} - 1 \right) \right]$$

N_3 - меҳнат сиғими бўйича такомиллашганлик даражаси:

$$N_3 = \left[\frac{T_0}{T_1} - 1 \right]$$

N_4 – техника баҳоси бўйича такомиллашганлик даражаси:

$$N_4 = \left[\frac{P_1}{P_0} - 1 \right]$$

Бу ерда:

1) Эски ва янги техника ўлчовларини таққослаш:

R_1 ва R_0 - янги ва эски техника узунлиги, см.

Γ_1 ва Γ_0 - янги ва эски техника кенглиги, см.

E_1 ва E_0 - янги ва эски техника баландлиги, см.

2) қувватларни таққослаш:

V_1 ва V_0 - янги ва эски техника қуввати, от кучи.

W_1 ва W_0 - янги ва эски техника унумдорлиги, эталон га.

3) Хизмат кўрсатиш меҳнат сиғимини таққослаш:

T_1 ва T_0 – хизмат кўрсатиш меҳнат сиғими, бир машина соатда шартли эталон га.

4) техникалар баҳосини таққослаш:

P_1 ва P_0 - янги ва эски техниканинг баҳоси, бир от кучига нисбатан сўм.

Агар умумлаштирилган формуланинг натижаси мусбат бўлса янги техника эскисига нисбатан самарли, манфий бўлса самарадорлиги паст бўлади.

Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган техникалар самарадорлигини аниқлашда ФҚТ услубни қўллаб эришган натижани келтирамиз. 2014 йилдан бошлаб Кореянинг ЛС Мтрон компанияси билан ҳамкорликда 100 от кучига эга бўлган “ТТ3100НС” ва “ТТ3Л1004”, 62 от кучига эга бўлган “U62” ва 38 от кучига эга бўлган “L38” моделларидаги янги қишлоқ хўжалик тракторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пахта етиштиришга мўлжалланган уч ғилдиракли “ТТ3100НС” “ТТ3-80.11” чопиқ тракторининг муқобили бўлиб ҳисобланади” Юқоридаги услуб бўйича ФҚТни ҳисоблаганимизда 0,83 коэффицентни ташкил этмоқда, демак аввал фойдаланиб келган “ТТ3-80.11” чопиқ тракторига нисбатан “ТТ3100НС” тркторидан фойдаланиш самарали эканлигини англатади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор муносабатларига мослашиши

бир қатор муаммоларни, жумладан, техника сотиб олишни маблағ билан таъминлашни, яъни молиялаштириш манбаларининг янги имкониятларини излаб топиш масаласини долзарб муаммолардан бири этиб қўймоқда. Бундай муаммоларни ҳал этишнинг йўлларида бири - бу лизингдан фойдаланишдир. Бу борада Ўзбекистонда “Ўзагролизинг” компанияси қишлоқ хўжалиги корхоналарига техника етказиб бериш билан шуғулланувчи асосий лизинг компанияларидан бири ҳисобланади.

“Ўзагролизинг” компанияси “Ўзқишлоқхўжалик-машҳол-динг” холдинг корхоналарида ишлаб чиқарилган техникаларни “Ўзагромаш-сервис” уюшмасига, МТПларга, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида етказиб беради. Лизингга берилаётган техникалар қийматининг 15 фоиздан 40 фоизгача бўнак сифатида “Ўзагролизинг” компаниясига буюртмачилар томонидан тўланади, қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш жамғармаси берадиган қарзи асосида молиялаштирилади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларга имтиёзли шартларда лизингга бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари турлари қуйидагилардан иборат: TL-100, TC-135, АРИОН-150С русумли ҳайдов тракторлари; Доминатор-130 русумли ғалла ўриш комбайнлари, 2 ПТС-4-793-03 А русумли трактор тиркамаси; КХУ-4Б русумли культиваторлар; СЧХ-4Б русумли чигит экиш сеялкаси; Зиркон 8/250 русумли ротоцион борона; Вариопаск 110 ДР 70 тупрок зичлагич; ОВХ-600, ВП-1 ва ОРПД-12М русумли пуркагичлар; ОШУ-ДКМ 2000 ва ОШУ-200 русумли чанглатгичлар; ЭуроПал 7 (3+1, №100), ПОН-4x40 ва ПОН-4+1x40 русумли плуглар; РМУ-0,5 русумли минерал ўғит сочгичлар ва шу каби 35 турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини қишлоқ хўжалигига лизинг асосида етказиб бермоқда.

Мамлакатимизда яратилаётган техникаларнинг иш унумини ошириш мақсадида “Тошкент трактор заводи” ОАЖ асосида қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи янги ташкилот “Тошкент қишлоқ хўжалик техникалари заводи” ОАЖ ташкил қилинди. Кореянинг ЛС Мтрон компанияси билан ҳамкорликда 100 от кучига эга бўлган «ПЛУС100» ва «LS1004», 62 от кучига эга бўлган «U62» ва 38 от кучига эга бўлган «L38» моделларидаги янги қишлоқ хўжалик тракторларини 2015 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Ўзагролизинг” компанияси Самарқанд вилоят филиали фаолияти

билан танишиш ва илмий таҳлил этиш натижасида лизингдан фойдаланишнинг қуйидаги афзалликлари ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тўғрисида фикр билдирмоқчимиз.

Афзалликлар: Лизинг амалга оширилиш механизми ва ўз шартларига кўра банк кредитига нисбатан қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор афзалликларга эга:

муддат бўйича – банк кредити асосан 1- 3 йилга берилади, лизинг муддати эса 2 йилдан 10 йилгача бўлади;

фоиз устамаси бўйича – банк кредити фоизи йиллик 16-26%га, лизинг даромади фоизи Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг (16%) 50 фоизини ташкил этади;

таъминлаш берилиши ҳажми бўйича - банк кредити учун кредит суммасининг 125 фоизига гаров ёки кафиллик таъминотини қўйиш, лизингда эса лизинг объекти қийматининг 30 фоизига тенг миқдорда (ёки банк талабига нисбатан 4 мартага кам) таъминлаш берилиши талаб этилади;

буюртмачи тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати бўйича – банк томонидан 30 кун ичида, лизинг компанияси томонидан 5 кун ичида.

Шунингдек, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олганида қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўладилар:

лизинг тўловларини тўлашда - қўшилган қиймат солиғидан;

лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан;

лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари - божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган;

лизинг олувчининг солиқ ундириладиган даромад базаси тўланган лизинг фоизлари суммасига камайтиради.

Муаммолар: Фермер хўжаликларида лизинг муносабатларини ривожлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

қишлоқ хўжалиги техникаларининг таъминотини кенгайтириш, янада самарали тарзда ишлайдиган техникаларни сотиб олиш;

қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришнинг тезкор усулларини яратиш;

етказиб бериш ва ишлатиш жиҳатлари ва тавсифи билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги техникаларига кафолатли техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

фермер ўз техника паркига эгалик қилиш, айниқса маълум пайтда ишлатиш бўйича корхона чиқими ва вақтини камайтириш;

қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш давомида йўқотиш ва техникаларнинг бекор туриб қолиш вақтини камайтириш;

лизинг берувчи, истемолчи ва тайёрловчилар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш;

лизинг тўғрисидаги ахборотларни ижтимоий тармоқларда янада кўпроқ тарғибот этиш.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фермер етарли миқдорда маблағга эга бўлса ва керакли зарурий ресурсларни сотиб олиб, ҳисоб-китобларни вақтида амалга оширса, моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ташкилотларнинг ривожланиши учун ҳам ижобий таъсир қилади. Шунинг учун топширилган маҳсулот учун тўловлар шартномаларда белгиланган муддатларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида умумлаштирилган илмий фикрлар қуйидагилардир:

1. Қишлоқ хўжалик машина ва техникаларига сарфланган ижтимоий меҳнат унумдорлигининг иқтисодий самарадорлигини тўғри белгилашнинг энг мақбул усулиларидан бири ФҚТ кўрсатки бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ёрдамида янги техникаларнинг самарадорлиги эски техникаларнинг кўрсаткичларидан мусбат бўлса бундай техникадан фойдаланиш самарали бўлади.

2. Иқтисодий самарадорликни аниқлашда техниканинг меҳнат унумдорлиги, баҳоси ва бошқа кўрсаткичлари асос қилиб олинади. Бунда янги техника илгари қўлланилаётган техникага нисбатан таққосланади. Биз тадқиқотда мутлоқ ҳамда нисбий харажат кўрсаткичларини аниқлаш услубдан фаркли ўлароқ умумийроқ, барча типдаги техникалар учун қўллаш мумкин бўлган таққослама иш бирликларидан, яъни шартли эталон гектар, машинанинг бир соатлик иш унуми (таққослама баҳода олинади), мото-соат, баҳо кўрсаткичларини ҳам қўллашни таклиф этамиз.

3. Қишлоқ хўжалигига техникаларни етказиб берувчи рақобатчи, қўшма корхоналарни кўпайтириш ва маркетинг фаолиятини ривожлантириш лозим. Чунки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлиги, унинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан моддий-техника ресурслари билан етарли

даражада ва арзон нархларда таъминлашга боғлиқ. “ТТЗ100HS” русумидаги ва бошқа шунга ўхшаш қишлоқ хўжалик тракторларинг лизинг муддатини беш йилдан етти йилга узайтириш лозим, чунки ҳали аксарият фермерларнинг иқтисодий имконияти юқори даражада эмас.

Ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш учун фермер хўжаликларига моддий-техника ресурсларни эркин сотиб олиш учун ўрта муддатли имтиёзли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ. Кредит бериш тижорат банк томонидан фермер хўжалигига йилнинг бошида кредит линияси очиб қўйиш орқали амалга оширилиши лозим.

Фермер хўжалиги ўзига очилган кредит тизими бўйича хоҳлаган вақтда кредит олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, фермер хўжалигига бериладиган кредитга олинadиган ҳосил гаров сифатида қабул қилиниши, кредит миқдори ҳосил қийматининг 60-70 фоизи миқдорида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда жами ажратилган кредит учун 2-3 фоиз, унинг фойдаланилган қисми учун эса 7-8 фоиз йиллик фойда олиш механизмини йўлга қўйиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Холмурзаев М. Пахтачилик фермер хўжаликлари моддий-техника ресурсларини модернизациялаш ва унинг иқтисодий самарадорлиги. Самарқанд. 2012 й. 235 бет.
2. Khalmurzaev, Mansur. "The Role Of Investment Projects In The Economy Of Uzbekistan." *International Journal of Progressive Sciences and Technologies* 30.1 (2021): 268-272.
3. Xolmurzaev, Mansur, Azizbek Khurramov, and Azamkhon Nasrullaev. "HISTORY OF SERVICE DELIVERY TO AGRICULTURAL MACHINERY AND PROBLEMS IN THE CURRENT ENVIRONMENT." *DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR* (2021): 397-400.
4. Ибрагимов Ғ. Фермер хўжаликлари ва агросервис корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар таҳлили //Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари. – Самарқанд, 2016. -263-267-б.
5. Астапов А. У., Холмурзаев М. ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА //СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ РОССИИ И РЕГИОНОВ В ЦИФРАХ СТАТИСТИКИ. – 2016. – С. 313-317.

6.Mansur Kholmurzaev. Investments in Agriculture of Uzbekistan the effects of attraction //Middle European Scientific Bulletin. ISSN 2694-9970. Volume 10. March, 2021. –Prague, Publishing house Education and Science s.r.o., 2021. -p 36-38